

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари

Ж. Казбеков

2025 йил “____” декабрь

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи экспертлар Кенгашининг йиғилиш

6 - Баёни

2025 йил 01 декабрь

Тошкент шаҳар

Раислик қилувчи:

Ж. Казбеков Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари

КУН ТАРТИБИ:

1. Навоий вилояти, Кармана тумани, “Навоий” ЭИЗ ҳудудидаги “O‘zEraeAlternator” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасининг фаолияти бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг тоифасига аниқлаик киритиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Давлат экологик назорат инспекцияси ходимлари томонидан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, “Баҳор” МФЙ ҳудудида жойлашган “BTV DEVELOPER-2022” МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилиши учун ажратилган ҳудудни визуал ўрганиш натижасида тузилган маълумотнома ҳамда ушбу объектга Давлат экологик экспертизаси маркази Тошкент шаҳар филиали томонидан берилган ижобий экологик экспертиза хулосасининг муҳокамаси.

Кун тартибидаги масала юзасидан раислик қилувчи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Ж.Казбеков Экспертлар кенгаш йиғилишини очиб, экспертлар кенгаши аъзолари Тошкент Архитектура-қурилиш университети, Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги кафедраси профессори З.Сатторов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги СЭО ва ЖС қўмитаси Бош мутахассиси А.Кўчаров, Тошкент давлат аграр университети Экология ва ботаника кафедраси мудири, доцент К.Х. Бухоровлар онлайн тарзда ZOOM орқали, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лобараторияси” мудири У.Садиқова, ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Р.И. Раззақовлар марказ залидан тўлиқ иштирок этаётганлиги ва хулоса қабул қилиш учун етарли кворум борлигини маълум қилиб, кун тартибини эълон қилди.

Экспертлар кенгаши аъзоларига юқорида келтирилган **2 та** масала бўйича барча тегишли ҳужжатлар, Давлат экология экспертизаси хулосаси ва мурожаат хатлари танишиш учун тақдим этилди.

Аниқланишича, 2025 йил 12 августда **“O‘zEraeAlternator”** МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси директори Ж.Жеон Давлат экологик экспертизаси марказига хат билан мурожаат қилиб, у раҳбарлик қилаётган МЧЖ шаклидаги қўшма корхона автомобилларга генератор ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши, корхона атроф-муҳитга зарарли газ ва бошқа турдаги чиқиндилар чиқармаслигини билдирган.

Ушбу мурожаат Давлат экологик экспертизаси маркази томонидан кўриб чиқилиб, **“O‘zEraeAlternator”** МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасининг фаолият тури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 541-сон қарорининг 1-илоvasи, 17-бандига (Машинасозлик саноати (авиасозлик, вагонсозлик, автомобил, трактор, мотор ишлаб чиқариш ва бошқалар) асосан атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I-тоифасига мансублиги тўғрисидаги жавоб хати юборилган.

“O‘zEraeAlternator” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси раҳбари ушбу жавоб хатидан норози бўлиб, 2025 йил 26 августда Давлат экологик экспертизаси марказига қайта мурожаат қилиб, ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Экспертлар кенгашида кўриб чиқишни сўраган.

Кун тартибидаги биринчи масала, Навоий вилояти, Кармана тумани, “Навоий” ЭИЗ ҳудудидаги **“O‘zEraeAlternator”** МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси ММ ва ТХ бўйича муҳандиси Акмалжон Турсунов тушунтиришида корхона енгил автомобиллар учун генератор ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши, корхона фаолияти асосан 5 босқичдан иборат эканлиги, биринчи босқичда генераторнинг кўзгалмас қисми ҳисобланган стартёр қисми йиғилиши ва бунда (бутловчи қисмлар) маҳсулотлар импорт қилиб олиб келиниши, стартёрнинг ўзақ қисмига изоляцияловчи қоғозлар қўйилади ва мис сим (чўлғамлар) ўраб чиқилиши унда стартёрларга диаметри 1 ммдан 1.32 ммгача бўлган симлар ишлатилиши, иккинчи босқичда генераторнинг айланувчи қисми ротор қисми йиғилиши, учинчи босқичда генераторнинг регулятор қисми йиғилиши, тўртинчи босқичда генераторнинг электроника қисми йиғилиши, бешинчи босқичда генератор йиғув линиясида тайёр бўлган ярим тайёр маҳсулотлар жамланиши ва генератор йиғилиши, корхонада йиғилган ярим тайёр маҳсулотлар, маҳаллий ва хорижий таъминотчилардан келган тайёр бутловчи қисмлар орқали генератор йиғилиши, ушбу жараёнда корхона томонидан атроф-муҳитга ҳеч қандай захарли газлар ва бошқа турдаги чиқиндиларни чиқарамаслиги ҳамда корхона фаолиятида сувдан фойдаланмаслиги, шу кунга қадар корхона учун атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифаси билан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга 2020 йил 27 августда “Ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атмосферага чиқаришнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори” (ТЧМ) лойиҳа ҳужжатида 421/20-сон ва “Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши

ва жойлаштирилишининг экологик меъёрлаштириш” (ЧЧМ) лойиҳа ҳужжатиға 422/20-сон билан ва ижобий ҳулосалар олинганлиги, шунга кўра корхона фаолиятининг кейинги босқичини ҳам атроф-муҳитға таъсир кўрсатишининг III тоифасиға мансублигини баён қилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти А.Жданов ҳақиқатда ҳам корхона мутахассиси маълумотиға кўра, мазкур корхона фаолиятдан атроф-муҳитға заҳарли газлар ва чиқиндиларни чиқармаслиги, маҳаллий ва хорижий таъминотчилардан келган тайёр бутловчи қисмлар орқали генератор йиғиш фаолияти атроф-муҳитға таъсир кўрсатишининг III тоифасиға мансублигини маълум қилди.

Экспертлар кенгаши аъзоси Тошкент Архитектура-қурилиш университети, Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги кафедраси профессори З.Сатторов давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти А.Жданов фикрни тўлиқ маъқуллади.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сян муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, корхона муҳандиси маълумоти бўйича Давлат экологик экспертизаси маркази Навоий вилояти филиали масъул экспертлари томонидан объектни жойиға чиқиб ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотнома тақдим қилинганидан кейин, корхонаниннг фаолият тури Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитға таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорининг 1-иловасиға мувофиқ, белгиланиши ҳақида тақлиф киритди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг тақлифини бир овоздан маъқуллашди.

Шунингдек, кун тартибидаги иккинчи масала муҳокама қилинди.

Аниқланишича, 2025 йил 11 апрелда Давлат экологик экспертизаси маркази Тошкент шаҳар филиалиға “Developer-2022” МЧЖ корхонаси томонидан Мирзо Улуғбек тумани, “Баҳор” МФЙ манзилида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биноси қурилиши учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитға таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳасиға келиб тушган.

Лойиҳа ҳужжатларига мазкур объект қурилишиға “Баҳор” МФЙ раиси ҳамда яқин атрофда истиқомат қилувчи 10 нафар фуқаролар томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилишиға қарши эмаслиги қайд этилган 4-сонли йиғилиш баёни илова қилинган.

Шунингдек, лойиҳа ҳужжатларида туман экология бўлими инспектори томонидан “eco-servis.uz” дастури орқали тасдиқланган вазиятли режаниннг изоҳларига кўра, мазкур ҳудудда дарахт ва буталар мавжуд эмаслиги қайд этилган.

Давлат экологик экспертизаси маркази Тошкент шаҳар филиали етакчи эксперти М.Кабилова томонидан юқоридаги лойиҳа ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли қарорига асосан 2025 йил 22 апрелда 01-02/14-5573-сонли ижобий экологик экспертиза ҳулосаси берилган.

Мазкур объект Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Давлат экологик назорат инспекцияси ходими **Л.Хасанов** томонидан жойига чиқиб ўрганилганда **“BTV DEVELOPER-2022”** МЧЖнинг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилиши учун ажратилган ҳудудда қимматбаҳо дарахтлар мавжудлиги аниқланган.

Кун тартибидаги **иккинчи масала**, Давлат экологик экспертизаси маркази Тошкент шаҳар филиали етакчи эксперти М.Кабилова тушунтириш бериб, **“BTV DEVELOPER-2022”** МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилиши учун тақдим қилинган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳасида ва туман инспектори томонидан тасдиқланган вазият режада ажратилган ҳудудда дарахтлар мавжуд эмаслиги баён этилганлиги сабабли ижобий хулоса берганлиги, шундай бўлсада хулосада объектни қуришда ўсимлик дунёсига зарарли таъсирни камайтириш учун объект ҳудудида мавжуд бўлган ўсимликларни максимал даражада сақлаш усуллари топиш лозимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-46-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ, мораторий амал қилиши белгиланганлиги ва унга кўра ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши ман этилиши кўрсатилганлиги баён қилинди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Давлат экологик назорат инспекцияси ходими **Л.Хасанов** фикр билдириб, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, “Баҳор” МФЙ манзилида жойлашган **“BTV DEVELOPER-2022”** МЧЖнинг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилиши учун ажратилган ҳудудини визуал ўрганиш натижасида ҳудудда қимматбаҳо дарахтлар мавжудлиги аниқланганлиги ва мазкур объект бўйича буюртмачи томонидан тақдим қилинган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳасига **2025-йил 22-апрелда 01-02/14-5573-сон** билан берилган давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини ҳамда ушбу аукцион орқали берилган лотни бекор қилиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

“BTV DEVELOPER-2022” МЧЖ раҳбари **Р.Таджиев** ва юрисконсулти **С.Жўраевлар** масала юзасидан тушунтириш бериб, улар аукционда шу ер майдонинг ғолиби бўлишганлиги, ҳудудда дарахт борлигини билишмаганини, кейинчалик ушбу ҳудудда қурилиш ишларига ҳалақит берадиган дарахтлар борлигини кўриб, уларни кўчириб ўтказиш бўйича “Ягона дарча”га ариза берганлиги ва уларнинг дарахтларни кесиш нияти йўқлигини маълум қилишди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сян муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, **“BTV DEVELOPER-2022” МЧЖга 2025-йил 22-апрелда 01-02/14-5573-сон** билан берилган давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини бекор қилишни, тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларини тўла ва ҳар томонлама ўрганмаган етакчи эксперт М.Кабилова ҳамда мазкур объект ҳудудида дарахтлар мавжуд эмаслиги ҳақида тасдиқланган вазият режасини тақдим этган Мирзо Улуғбек туман экология бўлими инспектори А.Саитовларнинг интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, Тошкент Давлат Аграр Университети кафедра мудир К.Бухоров, Давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти М.Малышевлар Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сяннинг фикларини қўллаб-қувватлаб, шу мазмунда фикр билдирдилар.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Экология ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича доимий фаолият юритувчи Экспертлари кенгаши тўғрисидаги Низомга асосан, тўпланган ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Экспертлари кенгаши қуйидагича

ХУЛОСА ҚИЛАДИ:


1. Навоий вилояти, Кармана тумани, “Навоий” ЭИЗ ҳудудидаги **“O‘zEraeAlternator”** МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси томонидан енгил автомобиллар учун **генератор ишлаб чиқариш** фаолияти Давлат экологик экспертизаси маркази Навоий вилояти филиали масъул экспертлари томонидан объектни жойига чиқиб ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим қилинганидан кейин, Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорига 1-илова “Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати”га мувофиқ, **тегишли тоифаси белгилансин** ва бу ҳақида **“O‘zEraeAlternator”** МЧЖга қўшимча маълум қилинсин.

2. “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ Тошкент шаҳар филиали томонидан **«BTV DEVELOPER-2022»** МЧЖга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ўқув маркази биносини қурилиши учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳасига **2025-йил 22-апрелда 01-02/14-5573-сон** билан берилган хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилмаслигининг олдини олиш ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Давлат экологик назорат инспекциясининг маълумотномасига асосан, **мазкур хулосани бекор қилиш** ҳақида Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилсин.

3. “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ Тошкент шаҳар филиали етакчи эксперти М.Кабилова “ВТВ DEVELOPER-2022” МЧЖга 2025 йил 22 апрелда 01-02/14-5573-сонли экологик экспертизасининг ижобий хулосасини беришда тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларини тўла ва ҳар томонлама ўрганмасдан, асоссиз хулоса берганлиги учун унинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш ҳақида “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ Бош директориға фикр билдирилсин.

4. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Мирзо Улуғбек туман бўлими инспектори А.Саитов ҳудудда дарахтлар мавжуд эмаслиги ҳақида сохта тасдиқланган вазият режасини тақдим этганлиги учун унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юбориш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Тошкент архитектура-қурилиш университети
Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги
кафедраси профессори



З.М.Сатторов

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот
инститuti “Гидроэкология ва сув ресурсларини
муҳофаза қилиш лабораторияси мудири



У.А.Содиқова

Тошкент давлат аграр университети
Табиий фанлар кафедраси доценти,
геология фанлари номзоди




К.Х. Бухоров

ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини
бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори



Р.И. Раззаков

Соғлиқни сақлаш вазирлиги СЭО ва ЖС
қўмитаси, санитария гигиена бошқармаси
Бош мутахассиси



А.К. Кўчаров

Давлат экологик экспертизаси маркази
Бош директорининг ўринбосари




В.В. Ши-сян

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти



А.В. Жданов

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти



М.С.Малышев

Марказ бош юрисконсулти

Д.Маҳмудов